

ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси:

«ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН «БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»НИНГ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТИЛИШИ ТОБОРА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА»

«Бир макон, бир йўл»нинг биргаликда бунёд этилиши натижасида Хитой ва Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёти тобора фаровонлашиб борапти. «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» автомобиль йўлининг ишга туширилиши трансшегаравий транспорт самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Ўзбек моши ва ширин гилоси биринчи марта хитойлик истеъмолчиларга етказилди. Хитойдаги қўлаб оилалар ва хонадонлар тўқиз йилдан бери барқарор фаолият юритаётган Хитой — Марказий Осиё газ кувури орқали Ўзбекистон табиий газидан фойдаланяпти. Қўлаб ўзбекистонликлар Конфуций институтида таҳсил олиш истагиди. Ёки ақсинча, хитойлик ёшларда Пекин хорижий тиллар университети, Марказий халқлар университети ва Шанхай хорижий тиллар университетида «Ўзбек тили» мутахассислиги бўйича ўқиш хоҳиши тобора ошиб борапти. Ўзбек томошабинлари Хитой томонидан ташкил этилаётган концертлар, кинофестиваллар, Янги йил муносабати билан уюштирилаётган тадбирлар, шунингдек, Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида ушбу давлат делегацияси иштирокини қизиқиб ва ҳайрат билан кўтиб олмоқда. Пекин — Тошкент, Урумчи — Тошкент авиацияновларига талаб юқори бўлиб турибди. Умуман, бу каби мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин.

Жорий йилнинг 8 мартида бўлиб ўтган Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг 13-чақириқ иккинчи сессиясида Давлат кенгаши аъзоси — ташқи ишлар вазири Ван И «Бир макон, бир йўл» доирасида бунёд этилган Қамчиқ туннелини алоҳида қайд этиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, Хитой ва Ўзбекистон ишчиларининг биргаликдаги сайёҳаракати туфайли 900 кун мобайнида 19 километрдан зиёдрок узунликдаги туннель қурилди. Бу «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг ҳаётий ифодаларидан биридир.

Ушбу янгиланишлар замирида давлатларимиз ўртасидаги аънанавий дўстлик тобора кучайиб бораётганини яққол кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда — аэропортлардан бошлаб, кўчалар, музейлар ёки диққатга сазовор жойларда Буюк Ипак йўли тасвири тузилган ҳарита-лар мавжуд. Уларда акс эттирилган йўллар Сиан ва Ляндан бошланиб, Ўзбекистоннинг йилриқ шаҳарлари, Фарб ва Жанубга борган. Ушбу йўналишларга диққат

билан разм солсангиз, худди мингйиллик карвонларнинг товуши кулоққа эшитилгандек бўлади. Кўп эриш алоқалар билан боғлиқ тушунчаларимиз Наврўз кунлариди ҳам янада ёрқин акс этади. Мисол учун, бундан бир ой олдин кенг нишонланган мазкур байрам Сирдарё вилоятидаги «Хитой — Ўзбекистон дўстлик боғи»да ўзгача шукўҳга эга бўлди. Бу масканда баҳор айёмини беш мингдан зиёд маҳаллий аҳоли тантанали ва кувноқ тарзда нишонлади.

Хитой ва Ўзбекистон томонидан «Бир макон, бир йўл» ташаббусини амалга ошириш борасидаги улкан сайёҳаракатлар замирида очилдик, бағрикенглик ва муваффақиятга эришиш гоёси мужассам. Бу жиҳатлар икки мамлакатта сезиларли даражада фойда келтириб, халқларимиз томонидан кенг қўлаб-қувватланапти.

Келажакка назар солиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболга юксак ишонч билдирамаиз. Ўтган йилдан буён Ўзбекистоннинг ўн та вилоятига ташриф буюришга улгурдим. Қаерга бормай, ҳар жойда маҳаллий халқ вакиллари билан мулоқот қилдик, эзгулик улашишга интилиши, Хитойга нисбатан хайрихоҳлигини ҳис этиб турдим. Вилоят ҳокимликларидан тортиб, оддий одамларгача Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг ривожланишига катта эътибор бермоқда. Чиндан ҳам Ўзбекистон хорижий давлатлар билан ташқи алоқаларини изчил жаддалаштиряпти. Бу эса одамларнинг дунёқарашини кенгайтиряпти, пировардида Хитойга нисбатан эзгу тушунчалар янада мустаҳкамланмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон жамоатчилиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форуми тадбирларидаги иштирокига катта қизиқиш билан қараётимиз. Чунки ушбу анжуман ўзаро мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига янги мазмун башх этади.

Ўзбек халқида шундай мақол бор: «Бодом пўсти билан, одам дўсти билан». Бизнинг мамлакатларимиз — айнан шундай яхши дўстлар ва ишончли ҳамкорлардир. Ишончли қолими, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи муваффақиятларга бой бўлади, истиқболда эса халқларимиз манфаати учун икки томонлама алоқаларнинг янада ривожланишига тўртки беради.

«Халқ сўзи».

Абадий дўст, ишончли ва стратегик шерик

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўзлаган нутқида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, парламентлараро алоқалар билан бирга, ижтимоий-сиёсий, илмий ва инновацион ҳамкорликнинг янги уфқлари хусусида ҳам атрафлича тўхталиб ўтди. Олий Мажлис юқори ва қуйи палатаси вакиллари бу борада ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Муносабат

Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Корея Республикаси билан инновация соҳасида самарали муносабатларни ўрнатиш ўта муҳим.

Хамкорлик доирасида қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, соғлиқни сақлаш, физика-кимё, ахборот-коммуникация технологиялари, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ишларига Жа-нубий Корея инвестицияларини жалб этиш, мавжуд илмий лабораторияларнинг асбоб-ускуналари ва материалларидан фойдаланиш, шунингдек, халқаро илмий журналларда мақолаларини chop этишга ҳам хизмат қилади. Президент Мун Чжэ Ин парламентимиздаги нутқида бунини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида нафақат юқори технологиялар, қўшма лойиҳалар, балки илм-фан йўналишидаги ҳамкорлик ҳам янада кучайтирилади. Биз бу жараёнлар-

нинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро келишувларнинг амалий ижроси устидан самарали парламент назоратини олиб боришга масъулмиз.

Нигора РАББИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳуқуқиматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилляпти.

Унга кўра, парламентлараро алоқалар, ҳужжатлар, вазирилик ва идораларнинг делегациялар алмасувлари фаоллашди, ташқи сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали тус олди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг парламент аъзоларига берган маълумотларига қараганда, мамлакатларимиз

ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топиш мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувлар фаол давом эттирилади. Бу жараён бизнинг зиммамизга ҳам жуда катта масъулият юкляйди. Аввало, парламентларимиз ўртасидаги мулоқотларни янада кучайтириш, манфаатли алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилувчи янги йўналишларни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Бахтиёр УМАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ўзбекистонда Жанубий корейлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 660 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси фаолият тўлиқ хорижий сармоя ҳисобидан йўлга қўйилган. Бу икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик раванқ топиб бораётганидан дарак беради.

Корея Республикаси Президенти ўз нутқида Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни юксак эътироф этди.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика, нефть-газ, кимё, кончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар ҳам назарда тутилган.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади



Бугунги кунда мамлакатимизда 7104 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 5667 таси давлат секторига тегишли. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари сони эса 1437 тага етди. Болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси 27,7 фоиздан 37,7 фоизга ошган. Йил охиригача ушбу кўрсаткични 45 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ҳолати қандай?

2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш дастури доирасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш борасида мўайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 268 та объект фойдаланишга топширилган.

Мактабгача таълим вазири А. Шиннинг мамлакатимизда 3 — 7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишда давлат ва нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан берган ахборотида ана шу рақамлар келтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур эшитувда юрти-мизда ушбу соҳани янада тараққий топтириш, фарзандларимиз учун барча шaroитни яратиш йўлида тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Ўз навбатида, болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси баъзи ҳудудларда пастлигича қолаётганига эътибор қаратилди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 10 — 12 фоизни ташкил қилади, холос.

Мактабгача таълим вазири ўйли-қизларни боғчаларга қамраб олишда давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш борасида вазирилик то-

монидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. Давлат-хусусий шериклик битимлари бўйича олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан аниқ мисоллар келтирилди.

А. Шиннинг сўзларига кўра, «Мактабгача таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда 2030 йилгача мактабгача таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқиш жараёнида. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишда ҳуқуқий асос вазириликни ўтайди.

Эшитув якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Кун воқеалари

қисқа сатрларда

Андижон шаҳридаги Бобур номидаги майдонда мuddатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар ҳарбий қасамд қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида «Жамиятимиздаги ҳар бир аёл — эътиборимизда» мавзусида анжуман ўтказилди.

«Тошкент баҳори» V халқаро опера ва балет санъати фестивали доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Жузепе Вердининг «Аида» операси намойиш қилинди.

Пойтахтимизда пластик хирургиянинг долзарб масалаларига бағишланган «Воҳидов ўқишлари — 2019» XXIV республика илмий-амалий анжумани ташкил қилинди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси делегацияси Истанбул шаҳрида «Сулаймония» кутубхонаси раҳбарияти билан учрашди. Музокаралар натижасида ушбу кутубхона билан Мовароуннаҳр уламолари ижодига мансуб қўлёзмаларнинг каталогини яратишда ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришди.

Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети ректори Сонг Жу Хо бошчилигидаги делегация Тошкент давлат стоматология институтида докторантура, магистратур, клиникалар ва талабалар учун маврузалар ўқиди. Шунингдек, ректор институт ходимлари ва талабалари билан биргаликда бир нечта операциялар ўтказди.

Аёл бахтли бўлса, юрт фаровон бўлади

Бухоро хотин-қизлар масалалари бўйича энг намунали худудга айланади.

— Икки фарзандим бор, — дейди ўзини Сурайё Ғаниева дея танитирган аёл. — Бирини туғма ногиронлиги бор. Узоқ вақт давомиди ота-онам, укам ва унинг oilаси билан бир ҳовлида яшадик. Ноқулай эди. Ўз уйим бўлармикан, деб орзу қилардим. «Яхши ният — ярим давлат», деганларича бор экан. Мақсадимга етдим. Бизга Когон туманининг «Беглар» маҳалла фуқаролар йиғини худудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлاردан бири ажратилди. Бошлангич бадалли эса Хотин-қизларни ва oilани қўлаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тўланади. Энди болаларим эртасидан кўнглим тўқ. Уларни шундай бағрикенг юрти-мизга муносиб фарзанд қилиб тарбиялашни ўз бурчим, деб биламан.

Навий. Неварларимнинг ўз уйларида чопқиллаб юришганини кўрганамда, беҳад қувонаман.

«Ишни қишлоғимдан топдим»

Вилоятнинг энг чекка гўшаларидан бири — Олот туманидаги Арабхона маҳалласида яшовчи Гулноза Бердиева учун қишлоқда тикувчилик корхонаси очилгани айни мuddага бўлди.

— Ўзимга мос иш дарағи топилармикан, деб туман марказига кўп бор катнадим, — дейди вилоят Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аниқланган ишсизлар рўйхатида бўлган Гулноза. — Бунини қарангиз, қишлоғимизда замонавий тикувчилик корхонаси очилди. Шу ерга ишга кирдим. Рўзгорга нафим тегаётганидан хурсандман. «Шерзод Отамуродов раваннақи» деб номланган oilавий корхонада менга ўлхашган 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилляпти. 20 киши эса касаначилик усулида ишламоқда.

Утган йили нафақат Олот, балки Когон шаҳри, Жондор, Шофиркон туманларида жами 200 иш ўрнига эга шундай корхоналар очилган, бундан ташқари 211 киши чек ташкил этилиб, 2 минг 300 дан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган эди. Жорий йилда Сирдарё вилояти тажрибаси асосида фаолият йўлга қўйилган 11 тикувчилик цехи ишга тушади. Хотин-қизларни ва oilани қўлаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади. 3 минг 606 нафар хотин-қиз «Устоз — шогирд» аънанаси асосида касбухонага ўргатилади. Бу каби юмушларда Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази алоҳида ўрин тутайди. Тадбиркорлик, хунармандчилик, oilавий ишбилармонликни ривожлантириш учун 6 миллиард сўм микдоридида имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

— Президентимизнинг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси раҳбари А. Хусейнова. — Кузатиш-курсаёткичи, oilавий низо-ларнинг аксарияти рўзгордаги етишмовчиликлар туфайли рўй бермоқда. Демак, аёлларни иш билан таъминлаш — ўта муҳим масала. Негаки, фойдала айл-мой меҳнат билан машғул ижтимоий рўзгоридан, болаларининг эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Oilасида соғлом муҳит ҳужм сурди. Турмуш ўртоғи билан бир-чига топаётган даромади ортдан озу-хавасларига эришади. Энг муҳими, тинч ва фаровон ҳаёт кечиради.

Давлатимиз оила тақдирига бефарқ эмас

Oilавий можародан кейин Моҳигул ота уйига кетиб қолди. Аммо онанинг кўнгли болада, деганлари рост экан. Болаларини уйлаб, ҳаловатини баттар йўқотди. «Қизим энди бахтсиз, болалари тирик етим бўлиб қоладими?», деган уйллар гирдобига тушган онаизорни айтмайсизми?

— Аччиқ устида маҳаллага бориб, «Турмуш ўртоғим билан жанжаллашдик. Ҳозир ота-онамникида яшаяпман. Ахрашаман. Болаларимни эримдан олишга ёрдамлашин», деб айтганман, — дейди у. — Ёшлик қилганман-да. Ҳар сафар маҳалла биноси олдидан ўтганимда хижолат чекаман. Турман хотин-қизлар қўмитаси раисига дуч келиб қолганимда ер ёрилса, киргудек бўлиб кетаман.

Хайриятки, эл-юрт, давлатимиз оила тақдирига бефарқ эмас. Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари болаларни онага қайтариш билан иш битиб қоладими, деган саволни ўртага ташладилар. Oilавий низо сабаблари атраф-олича ўрганилди. Ўртадаги тушунмовчиликлар бартарарқ этилди. Моҳигул oilасига қайтди. Ишга ҳам жойлашди.



Вилоятда ўтган йилда ажралиш ёқасига келиб қолган худди шундай 1884 та oilанинг 1415 таси яраштирилди. Жорий йилда эса нотинч oilалар билан ишлаш механизми яратилди. Унга кўра, 410 та нотинч, 412 та ажриш ёқасига келиб қолган, шунингдек, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бўлган oilалар алоҳида назоратга олинди. Ҳуддан зиёд давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аниқ ишлар олиб бориляпти. Жойлардаги Аёллар ижтимоий мослашув марказлари эса мушкул вазиятга тушиб қолган уч юздан зиёд хотин-қизлар ва болаларга маъна-

Хаммаси яхши томонга ўзгаради

Турмуши бузилган, қўлида касбуқори бўлмаган Назокат боши берк кўчага кириб қолди. Тиркичилик вазири билан биргаликда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олишда тизимли ишларни олиб бериляпти. Бу юмушлар ўз самарасини беради. Бухоро, албатта, энг намунали худудга айланади.

эканини, кўзи энди очилганини айтиб, шафқат қилишларини сўради. Шундай паллада вилоят хотин-қизлар қўмитаси кўмакка келди. Судлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида тузилган меморандумга кўра, қўмита кафилиги билан Назокат жазодан озод этилди.

Шундан сўнг унга зарур психологик ёрдам кўрсатилди. Назокат зардўзликни ўрганишга киришди. Бугунги кунда унинг барча иши жойида. Эрта-индин уста-хунармандга айланса, ажаб эмас.

Бу каби ишлар самараси қолмайди. Маълумотларга қараганда, 2018 йилда вилоятда хотин-қизлар жиноятчилиги 2017 йилдагига нисбатан 266 тага камайган. Лекин бу хотиржамлик ҳам асос бермайди.

— Президентимиз хотин-қизлар жиноятчилиги сақланиб қолаётгани ҳақида тўхталиб, бу ҳолат миллий менталитетимизга ётганини, бой тарих ва салохиятга эга Бухорога бу мутлақо ярашмаслигини таъкидлади, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Ибрагимова. — Вилоятимизни хотин-қизлар билан боғлиқ барча масала бўйича энг намунали худудга айлантириш юзасидан топшириқ бердилар. Бунини биз ҳам жуда катта масъулият, ҳам ишонч ўрнида қабул қилдик. Айни дамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олишда тизимли ишларни олиб бериляпти. Бу юмушлар ўз самарасини беради. Бухоро, албатта, энг намунали худудга айланади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ҳажим ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



Ҳарбий хизматчилар учун 116 хонадон

Жойларда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Хусусан, яқинда республикаимизнинг Андижон ва Навоий шаҳарларида 30 тадан ҳамда Тошкент шаҳрида 56 та, жами 116 та, барча қулайликка эга хонадон қалинлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчиларига тантанали равишда топширилди.

Хозирги кунга қадар Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси ҳамда Фарғона, Бухоро, Самарқанд вилоятларида хизмат бурчини бажарётган ҳарбий хизматчиларга шаҳарлар марказларида ана шундай замонавий уйлар берилган эди. Бундай эзгу сазай-ҳаракатлар оилаларга алоҳида хурсандчилик бахш этмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

«Соғлом авлод» энди 20 минг томошабинни қабул қила олади

Андижон шаҳрида 17 миллиард сўм маблағ эвазига қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган «Соғлом авлод» стадиони сиғими 20 мингтага етказилди.

— Мазкур иншоот бугунги кун талабига жавоб бермай қўйган эди, — дейди Миллий олимпия қўмитаси раҳбари Умид Аҳмадҷонов. — Қисқа вақт ичида у энг замонавий стадионлардан бирига айлантирилди. Эндиликда бу ерда йирик спорт

беллашувларини ташкил этиш имконияти мавжуд. Футбол майдонидан чим, уриндиклар алмаштирилди. Табло ва ёриқчилар янгиланиб, электрон шаклда реклама жиҳозлари ўрнатилди.

Саминҷон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Дарада мароқли дам

Навбахор туманидаги Қирқ қозон дарасида жойлашган экотуристлик мажмуа ўзига хос табиатга эга.

«Учтўғ жавоҳир тошлари» масъулияти чекланган жамиятининг инвестициявий лойиҳаси асосида иш бошлаган мазкур «Алмас сой» дам олиш маскани бир вақтнинг ўзига 100 нафардан ортиқ сайёҳларни қабул

қилиш ва мароқли дам олишлари таъминлаш имконига эга. 2 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Сариқ ва қора помидор етиштирилмоқда

«Данғара агро тоmat» масъулияти чекланган жамиятида Голландия ва Германиядан келтирилган қизил, сариқ ва қора рангдаги, жаҳон бозорида ҳаридорғир помидор навлари парваришланиб, Россияга экспорт қилинган.

— Жорий йилнинг февраль-март ойларида 110 минг долларлик маҳсулотни ташқи бозорга чиқардик, — дейди жамият раҳбари Бахтиёр Абдурахмонов. — Хозир кўшни республикалардаги талаб ва тақлифлар ҳам ўрғанилмоқда. Кейинги йилдан Африкада етиштириладиган, касалликларга чидамли ва серҳосил «Агва»

навини маҳаллий иқлим шароитидагина синиб кўрмоқчимиз. 6,5 гектардаги замонавий иссиқхонада 17 та доимий ҳамда 45 та мавсумий иш ўрни яратилган. Миришкорлар бир йилда икки маротаба ҳосил олишмоқда.

Элёржон ЭХСОНОВ («Халқ сўзи»).

Тухфа Кулоч ёзаётган эзгу ташаббус

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари Когон туманидаги Сибэпиён маҳалласига 200 дан зиёд китоблар совға қилишди. Бу давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ижроси доирасида амалга оширилди.

— Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳалла ёшларининг мусика, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, уларни жисмонан чинқитириш, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишларини ташкил этиш, ўғил-қизлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсади кўзда тутилган қатор тадбирларни ўтказдик, — дейди институт филиали директори Н. Муродов. — «Нихол» талабалар театр студияси томо-

И. ИСТАМОВ.

Номзодликка муносиблар танланади

— Вилоятимиздаги ҳар бир фуқаролар йиғинида камида икки нафардан номзод раис лавозими учун кўрсатилмоқда, — деди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Сирдарё вилояти комиссияси масъул котиби Алишер Икматов.

Маҳалла сайлови

Бугун ушбу вилоятда 221 фуқаролар йиғини бўлиб, қарийб 505 минг нафарга яқин сайловчилар истиқомат қилади. Шундан 72 минг нафари вакиллик рўйхати-га киритилди.

— Шу пайтгача барча ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳиятини тушунишга юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказдик, — дейди А. Икматов. — Бундай тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор

беряпмиз. Масалан, Мирзаобод туманида ўтказилган тадбирларни ҳудуддаги 17 та маҳалла радиозели орқали бериб бордик.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда сайловни ташкил этиш, ўтказиш бўйича маҳаллаларда шакллантирилган ишчи гуруҳлар учун ўзаро тажриба алмашиш мақсадида кўрғазмалли семинарлар уюштирилмоқда.

Фуқаролар йиғини раислигига муносиб номзодларни танлашга алоҳида масъулият билан ёндашишга алоҳида эътиборга мо-

лик. Жорий йилнинг 10 апрелига қадар фуқаролар йиғинлари раислари лавозимларига тавсия қилинган 856 нафар номзод билан суҳбатлар ўтказилиб, улардан 409 нафарини номзод сифатида рўйхатга олиш тавсия этилди. Бунда, албатта, раисликка номзодлар ўз маҳалласида камида беш йилдан бўён яшаётганлиги, аҳоли хурмат ва эътиборига нечоғли сазовор бўлгани, ташкилотчилик ҳамда етакчилик қобилиятларига эғалиги ва фидойий ҳамда жонқурлиги асосий меzon қилиб олинди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Хонадон чорваси, яйлов муаммоси ва чўпоннинг чориқ пули

Бу масалаларга жиддий эътибор қаратиладиган пайт келди.

Мол-ҳолини қишлоқдан беталафот олиб чиққан чорвадор енгил тин олади. Лекин бу узоққа чўзилмайди. Чунки баҳорнинг ҳам ўз ташвишлари бор-да...

Мамлакатимизнинг намунали чорвачилик туманига айлантириш учун катта саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган Оҳангаронда аҳоли тасарруфидига чорва молларини боқиш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб беришга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Чунки туманда 61 минг бош қорамол бўлса, шундан 27,5 минг боши аҳоли ихтиёрида. Мавжуд 185 минг қўй ва эчкининг 82 мингта яқинини хонадон эгалари боқади. 2 минг 334 бош отнинг 1 минг 543 таси яқка тартибда парваришланмоқда.

Долзарб мавзу

Тумандаги чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқлари ишончли оқибатга эришди. Уларнинг ҳар бири ихтиёрида мингга қўй-қўзиси, юзлаб қорамол бор. Шу боис бугун мавжуд 142 минг 689 гектар яйловнинг 78 минг гектари фермерлар тасарруфидида. Туман заҳирасига олинган 40 минг гектар яйловдан эса амалда аҳоли фойдаланади. Шу ўринда ажабланишли тақдос: тумандаги жами чорва молларининг 45 фоизи аҳоли қўлида бўлса, қолгани фермерлар тасарруфидида. Фермерларга берилган яйловлар майдони аҳоли фойдаланадиган майдондан тахминан икки баробар кўп. Шундай бўлса-да, аҳолининг фермерларга, мазкур мутаносиблики бузган мутасаддиларга у қадар катта эътирозлари йўқ.

— Хонадонда мол боқишнинг, асосан, тўртта усули мавжуд, — дейди Қизилой маҳалласида яшовчи тажрибали чорвадор Фарҳод Раҳмонов. — Биринчиси, чорва молларини яқка тартибда боқиш — бу хонадон эгасига анча қимматга тушади. Шу боис молни бўрдоқига боқадиганлар айни шу усулни танлашади.

Навбатнинг ҳам ўзига яраша афзаллик ва камчиликлари бор. Бунда хонадон эгалари навбатма-навбат бир кундан яйловда мол боқишади. Афзаллиги шундаки, харажати жуда кам. Мол ҳар кунни уйда ва назоратда бўлади. Камчилиги — моллар бошқа подага қўйилди кетишдан кўриқиб, бир жўлда айлантириб, кунни кен қилади. Яйлов ҳолатига эътибор ҳам қаратилмайди.

Хонадонда мол боқишнинг сигнал ва самарали усули уларни чўпонга топширишдир. — Қўшлогимиз аҳолисининг 80 фоизи чорвачилик билан шуғулланади, — дейди тумандаги «Телов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иқром Анорбоев. — 350 гектар яй-

ловимиз бор. Яйловимиз деган сўзни эртанги кунга ишончли оқибатга эришди. Аслида бу ер туман заҳирасига олинган. Ҳар йили маҳалламизда бўлиб ўтадиган Наврўз байрамидан сўнг мол боқиш бўйича кенгашиб олиш яхши анъанасига айланган. Унда чўпонларни сайлаб, мол боқиш билан боғлиқ нарх-наволарни белгилаб оламиз.

Маҳаллада 585 та хонадон бўлиб, уларда 975 бош қорамол, 1 минг 400 бош қўй-эчки боқилади. Бу йил қорамол учун ойига 30 минг сўм, ушоқ моллар учун 12 минг сўм нарх белгиланди. Сайланган чўпонлар Салимжон Кўзиёев ва Абдусамид Таваккалов шартлари дон-дона баён қилдилар. Чориқ пулидан воз кечдилар. Ошолон ҳам керак эмас, дейишди.

Дарвоқе, чўпоннинг чориқ пули, ошолон каби иборалар тилимизда кам ишлатилмайдиган бўлиб қолган. Лекин бу сўزلардан чекка қишлоқ-

Фермерларга берилган яйловлар майдони аҳоли фойдаланадиган майдондан тахминан икки баробар кўп. Шундай бўлса-да, аҳолининг фермерларга, мазкур мутаносиблики бузган мутасаддиларга у қадар катта эътирозлари йўқ.

ларда хануз фойдаланишади. Чориқ пули — чўпонни мавсум олдидан кийинтириш, асосан, пойабзал сотиб олиш учун чорва эгаларидан йиғилмайдиган маблағ. Ошолон эса хонадон эгаси мол сўйса, чўпонга илинадиган озиқ-овқат маҳсулот.

Тўғри, белгилиган нарх-наво аҳоли учун қиммат туюлди. Аммо бу маблағ ичида яйловга тўланадиган солиқ ҳам бор.

Яйлов учун олинмайдиган ер солигини белгиланган меъёрларга мослаштириш учун туманда ширкатлар тузилди. Бу фермер аҳоли ҳам тасдиқлайди, ширкатлар юридик шахс сифатида ишонччи оқламади. Шу

сабабли жорий йил туманда бундай ширкатлар фаолияти тўхтатилмайдиган бўлди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Унда яйловнинг эгаси ким? Бу ҳақда сал кейинроқ. Хозир эса учинчи усулнинг қулайликлари хусусида. Мол боққан чўпон унинг аҳолидан хабардор бўлиб туради, иссиқ-совуғини назоратга олади. Ўтказиш лозим бўлган профилактика тадбирларини хонадон эгасига айтиб туради. Афсуски, бу усулда ҳам ахён-ахёнда талафотлар бўлиб туради. Улар чўпоннинг зиммасида.

Талафотлар кўпроқ молни узоқ муддатга чўпонга бериб юборилмайдиган навбатдаги усулда содир бўлмоқда. Мол боқишнинг нисбатан қиммат, аммо самарали усулидан кўпчилик фойдаланяпти.

— Қорамолни тоққа бериб юбориш ойлик нархи 70 минг, ушоқ молнинг нархи эса 20 минг сўм бўлди, — дейди Енарик маҳалласи фаоли Абдуҷалил Ўринбоев. — Баҳорда молни тоққа жўнатиб, қуз-да эса уни танимай қоласиз. Беш-олти ойда мол ўзини қўйиб, йириклашиб қайтади. Афсуски, бериб юборилган 10 бош совлиқнинг иккитаси қўзидек бўлиб қайтиши ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Оҳангарон ўрмон хўжалиги тасарруфидидаги яйловлардан фойдаланиш учун олинмайдиган патта пули қимматлиги нарх-наво ошишига сабаб бўлмоқда. Шундай бўлса-да, қишлоқда кўпчилик ана шу усулдан фойдаланади.

Мол қайси усулда боқилмасин, қонни фойда. Аҳоли яйловлар қисқариб, мол боқиш билан боғлиқ нарх-наво ошиб кетаётганлигини ҳолис-да, тинмай мол боқадиган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 200 йилдан бери

насли кўчорни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси совлиқ. Йилга ўртача 200 тадан кўзи олади. Уларнинг бир қисми подани тўлдирди. Аксарияти эса сотилади. Мана энди 150 бош кўзини 400 минг сўмдан ҳисоблаб кўринг. Очиғи, мол боқиш осон эмас, харажатлари ҳам, меҳнати ҳам ниҳоятда кўп. Бирок соф фойда ҳам мўмайгина.

— Қишлоққа яқин жойлашган яйловларни аҳоли ихтиёрига бериш керак, — дейди чорвадор. — Афсуски, уларни аллақачон ишбилар-

Туманда яйловлар майдони йил сайин қисқариб, уларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби ўт-ўланлар уруғлари пишиб етилмасдан аввал молларга едириб юборилишидир.

мон фермерлар эғаллаб олишган.

Туманда яйловлар майдони йил сайин қисқариб, уларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби ўт-ўланлар уруғлари пишиб етилмасдан аввал молларга едириб юборилишидир. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш учун улардан интенсив равишда фойдаланиш керак. Таассуфки, туманда ёз қишласига «дам олади» яйловларнинг ўзи йўқ. Чўпон-чўликлар бу майдонда мол боқмас-да, бошқалар келиб боқади, дейишмоқда. Шундай экан, яйловларни тартибга солиш, ҳақиқий жонқурига бериш, ҳосилдорлигини ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак.

Туман мутасаддилари яйловларини маҳалла ихтиёрига бермасиз, деган фикрни ўртага ташлашмоқда. Бу ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Ушбу масала билан боғлиқ тақлиф этилаётган бошқа лойиҳалар ҳам ҳар томонлама ўрганилиши эътиборга молик.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оҳангаронда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг филиали очилди. Муассаса олимлари ушбу масала хусусида жиддий бoш қотирадилар, деган умиддамиз.

Чўпоннинг муаммоси ҳам бугун ўта долзарб. Унинг иши мавсумий. Барча келишув замирида лафз ётади. Лафз ҳуқуқий асос эмас. Ақча қишлоғида 10 йилдан бери

йўқолган туёқлар учун тўлаётган собиқ чўпон билан суҳбатлашиб, ана шундай фикрга келинди.

Мол берувчи ва мол боқувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга келтириш замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Бугун амалдаги битта дафтар чўпоннинг қўлида. Ундаги рақамларнинг ишончилигига ким қафолат беришди? Бу жараёни ким тартибга солади? Яна маҳаллами? Мазкур саволларга «бўлмаса ким?» деган саволларга жавоб бериш мумкин. Молларни рўйхатга олиш дафтари икки-та бўлса, унинг биттаси маҳаллада сақланса, ҳар ҳолда ёмон бўлмас эди.

Чўпоннинг иши осон эмас. Рўзгор ишларидан, хўзур-халоватидан кечган инсон бу ишга қўл уради. Бирор қор-қўл рўй берса, уни ким ҳимоя қилади? Демак, сугурта ташкилотлари бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим. Бугун чўпон аҳолидан йиғилмайдиган пул билан қаноатланиб турибди. Даромади ҳар ҳолда ёмон эмас. Лекин унинг эртаси қандай бўлади? Назаримизда, меҳнат муносабатларини расмийлаштириш вақти етиб келди. Масъул вазирилик ва идоралар мутахассислари чўпонларга мамлакатимизда яратилган имтиёزلарни тушунтиришлари даркор. Улар йилга энг кам иш ҳақининг бир баробари микдорига пул тўлаб, доимий иш стажига эга бўлишлари мумкин. Бу эса эртага асқатади.

Бугун мамлакатимизда етиштирилаётган гўшт, сўт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми яқка тартибда мол боқётганлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шундай экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам қўлини чўзиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоғи зарур. Зеро, аҳоли чорваси унинг томорқаси каби асосий даромад манбаига айланиб қолсин.

Кайд этиш кераки, жорий йилда Президентимиз томонидан чорвачиликка оид ҳужжатга имзо чекилди. Бу юртимизда мазкур тармоққа қаратилган эътибор кучайишидан, янги имкониятлар жадал ишга солинишидан далолатдир.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 16 МАРТДАН 23 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 11 мартдаги 53, 01/10-10/52-сон «Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755-1. (2019 йил 18 мартдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 8-2019/Б-сон «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 402-8. (2019 йил 18 мартдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг 2019 йил 6 мартдаги 33, 58-сон «Фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1781-4. (2019 йил 18 мартдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-4. (2019 йил 19 мартдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 2019-07-сон «Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3143. (2019 йил 19 мартдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-14-сон «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар

ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомининг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895-4. (2019 йил 20 мартдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 30 январдаги 11-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарт (8-сонли БХС) «Кўчмас мулк, бино ва жиҳозлар»-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3144. (2020 йил 1 январдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Бош прокуратура ҳузуридagi Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш

бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2035, 2009 йил 3 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2035-1, 2010 йил 28 май), (рўйхат рақами 2035-2, 2015 йил 15 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 декабрдаги 557-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик томонидан тасдиқланган Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низоми (рўйхат рақами 977, 2000 йил 13 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 977-1, 2004 йил 19 апрель), (рўйхат рақами 977-2, 2005 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 977-3, 2007 йил 18 июль), (рўйхат рақами 977-4, 2008 йил 23 декабрь), (рўйхат рақами 977-5, 2013 йил 27 август), (рўйхат рақами 977-6, 2016 йил 6 июнь), (рўйхат рақами 977-7, 2017 йил 15 сентябрь), (рўйхат рақами 977-8, 2018 йил 27 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 21 декабрдаги 564-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Иқтисодиёт вазирилик, Давлат солиқ қўмитасининг «Савдо фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2958, 2017 йил 29 декабрь).

Адлия вазириликнинг 2019 йил 19 мартдаги 126-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш



Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтган тасвирий ва амалий санъат фестивалининг очилиш маросимида таниқли rassomлар, ҳайкалтарошлар, фотографлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари, ёшлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Фестиваль

Санъат – мустақкам кўприк

Ушбу тадбир миллий тасвирий санъатни янада раванқ топтириш, унинг бетакор мактаб ва анъаналарини бойитиб бориш, ижодкор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Жумладан, анъанавий фестивалда бу гал ёшларнинг санъат асарлари ва ижодий ишларини кенгроқ намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилди.



Санъат ва маданият дўстлик алоқаларини мустақкамлашда ўзига хос кўприкдир, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур. — Шу маънода, мазкур фестивалда хорижлик ижодкорлар ҳам қатнашаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Фестиваль давомида турли тадбирлар, кўргазмалар, тақдирот маросимлари, ижодий танловлар ўтказилади. Ёшлар учун очик табиат кўнида тасвирий санъат, кулоллик, каштадўлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, либослар дизайни, фотосуратлар, миниатюра санъати ва бошқа йўналишлар бўйича устоз ижодкорлар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилади.

Халқаро фестиваль 27 апрелгача давом этади.

Юлдуз ЎРМОНОВА
(«Халқ сўзи»).

Динара ЧИРКОВА
олган суратлар.

Иновацион ёндашув

Турмуш қуришга тайёрмисиз?

Хива туманида ташкил этилган «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби»да рўзгор юритиш, репродуктив саломатлик, мулоқот маданияти, ҳуқуқ каби йўналишларда замонавий технологиялар асосида машғулотлар ўтказилади. Йигит-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчиларига бепул дарслар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ишга туширилган инновацион мактаб битирувчилари орасидан келажакда «тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида фаолият юритадиган волонтер-тренерлар жамоаси шакллантирилади.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

«Агробанк» тадбиркор оилаларни қўллаб-қувватламоқда

«Қизим Назокатхон — қўлигул чевар. У тиккан болалар либослари, айниқса, байрамларга мўлжалланган кийимлар кўпчиликлари маъқул тушяпти. Болажонлар учун айиқполгон, кўенча ёки шолғомни эслатувчи либосларга буюртма бериш учун қўшни туманлардан ҳам излаб келишади. Кейинги вақтларда буюртмалар кўплигидан қўли қўлига тегмайди. «Агробанк»дан ажратилган 11 миллион сўмдан зиёд маблағ эса бу ишни янада ривожлантиришга туртки берди. Чунки уч йилга берилган маъжур кредит эвазига ўрта тикув машинаси харид қилиб, янги иш ўрни очдик».



корамол сотиб олди. — Мўъжазгина иссиқхонамизда бодринг этиштирдик, — дейди тумanning Карнон қишлоғида яшовчи Абдулла Мадалиев. — 3 а м о н а в и й с и н и қуришга эса маблағимиз етмасди. Яқинда банк томонидан берилган қарийб 15 миллион сўм эвазига замонавий иссиқхона барпо этдик. Насиб қилса, май ойининг бошида бодрингни, октябрда эса кўкларни бозорга чиқарамиз. Шу тарика бир йилда уч марта ҳосил олишни ният қилганмиз.

Молия муассасаларида



Бу — Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи Насиба Эркабоевнинг сўзлари.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 28 февраль — 1 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифида сўнг ҳудудда «Хар бир оила — тадбиркор» ҳаракати кенг қулоч ёйди.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси вилоятда, хусусан, Чуст туманида оилалар манфаатдорлигини ошириш, ҳудуд хусусияти ва имкониятидан келиб чиқиб, янги корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, бунёдкорликнинг барча йўналишини юксалтиришга оид топшириқлар ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшяпти. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар «Агробанк» АТБнинг Чуст филиали томонидан 477 оилага 8,1 миллиард сўм микдорда кредит ажратилгани фикримиз тасдиқидир. «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида берилган ушбу маблағлар кўпгина оилаларга катта имконият яратиш билан бир қаторда, соҳалар юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, оилаларга тақдим этилган кредитлар аниқ мақсадларга йўналтирилган. Яъни хонадонларда тикувчилик, тўқувчилик ишларини йўлга қўйиш, иссиқхоналар барпо

Таъкидлаш жоизки, «Хар бир оила — тадбиркор» дастури катта кичикки бирдек ҳаракатга келтирди. Ким билан суҳбатлаш-



этиш, чорва моллари боқиш, паррандачилик, балиқчилик, кўенчилик, асаларчилик ва бошқа қатор йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тақдим этилмоқда. Мисол учун, 27 миллион сўм кредит олган Меҳринисо Мираҳимова туяқуш жўжалари харид қилган бўлса, Ҳабибулло Ободов 12 миллион 220 минг сўм эвазига насли

«Агробанк» АТБ матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистрант талабалари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Германиянинг қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасида фаолият юритувчи компанияларида 6 ой муддат давомида стажировка ўташга мўлжалланган дастур учун танлов эълон қилади.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси Германиянинг «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти билан биргаликда Германиянинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ва сайёҳлик фирмаларида стажировка ўташлари учун Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистратура талабалари учун саралаш танлови эълон қилади.

Стажировка дастури мақсади — Германия қишлоқ хўжалиги ва туризми компанияларида амалий тажриба ҳамда илғор билимларни эгаллаган ҳолда, Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг профессионал кўникмаларини мустақкамлашдан иборат.

Дастур учун кўрсатилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси (камида 22 ёш), Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистранти, шунингдек, инглиз ёки немис тилида эркин сўзлаша оладиган бўлиши лозим.

Стажировка дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда Германияда талабаларнинг стажировка ўташлари учун жой ажратаётган компаниялар билан биргаликда молиялаштирилади.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стажировка ўташ учун танланган номзодларнинг йўл харажат (авиатўловлар, аэропортдан стажировка ўташ жойигача бўлган харажат)ларини ўз зиммасига олади. Қолган барча харажат, шу жумладан, ҳар ойлик стипендиялар Германия компаниялари томонидан қoplanади.

Танлов 4 босқичда олиб борилади:

1-босқич: «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти расмий сайтыда (<https://logoev.de/ru/fachpraktika-ru/bewerbungen-ru.html>) жорий йил 25 апрелидан 20 майга қадар онлайн ҳужжатлар қабул қилинади.

2-босқич: жорий йилнинг 25 май санасидан 30 майгача ҳар бир номзод «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларидан иборат Танлов комиссияси томонидан тест синови ҳамда суҳбатдан ўтказилади.

3-босқич: 2019 йил июнь ойи нихоясида барча имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳужжатлари Германия компанияларига тақдим қилинади.

4-босқич: танловнинг якуний натижалари бўйича номзодлар Германия компанияларига жойлаштирилади. Номзоднинг стажировка дастурида иштирок этиши бўйича сўнги қарор Германиянинг муайян бир ташкилоти ёки компанияси томонидан чиқарилади. Зарурий ҳолларда номзод ўзи стажировка ўтувчи компания, ташкилот ёки фермер хўжалиги мутасадди вакиллари томонидан Skype орқали суҳбатдан ўтказилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар ва танлов шартлари билан Жамғарма расмий сайты www.euyf.uz манзилида келтирилган йўриқнома орқали танишишингиз мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефон: 71-203-00-43

Гулистонда «Қашқир улиган тунда» спектакли намойиш этилди

Чимкент шаҳридаги ўзбек драма театри ижодий жамоаси Гулистонда Қозоғистон давлат ва Михаил Шолохов номидаги халқаро муҳофизат соҳибдорлари Собит Дўсановнинг «Қашқир улиган тунда» драматини ўзбекистонлик томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Театр

Ҳаётий воқеа асосида ёзилган мазкур асар қардош ўзбек саҳнасида қўйилганидан беҳад хурсандмиз, — дейди театр директори Икром Хошимжонов. — Спектаклдан сўнг узок давом этган оқшўналарни эса ижодий ишимизга берилган катта эътироф, деб қабул қилдик. Дўстлик, қардошлик, ҳар жиҳатдан ўзаро яқинлик туйғуларини яна бир бор дилдан хис этдик.

Театрнинг «Ўзбекистонда Қозоғистон йили» доирасида бошланган гастроль сафари мамлакатимизда давом этмоқда.

Маълумот учун, Чимкент шаҳар ўзбек драма театри 2003 йил 22 октябрда ташкил қилинган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

DOOSAN «TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

ПРОФНАСТИЛ

Ишлаб чиқарувчи қуйидаги махсулотларни тақдим этади:

Гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Махсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **«Халқ сўзи»**даги **Реклама** — **Сизнинг** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТ КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид хамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6